

Айбдорнинг ҳаракатлари таъмагирлик мақсадида қасддан одам ўлдириш сифатида нотўғри квалификация қилинган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг 2006 йил 6 июндаги ҳукмига асосан У. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмининг «и» банди билан 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Суднинг ҳумига кўра, У. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбдор деб топилган.

2006 йил 17 февраль куни У. танишлари Н. ва М. билан спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда пул тикиб, қимор ўйнашган. У. қиморда ишлатиш учун таниши Н.га унинг илтимосига кўра, 5.000 сўм қарз берган. Ўйин давомида У. ўз ёнида қолган бор пулини шерикларига ютқазиб қўйиб, Н.дан қарзга олган пулини қайтариб беришни талаб қилган. Н. унга рад жавобини берганлиги сабабли улар ўзаро жанжаллашиб қолишган. Шунда У. Н.ни қасддан ўлдириш мақсадида дастурхонда турган пичоқни олиб, унинг кўкрак қафаси чап томонига санчиб, ўлдирган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2006 йил 4 июлдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари томонидан назорат тартибида келтирилган протестга мувофиқ, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати У.га нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгартириб, қуйидаги асосларга кўра, унинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмининг «и» бандидан 97-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилган.

Суд ушбу жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаган бўлса-да, У.нинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2004 йил 24 сентябрдаги қарорининг 14-бандида берилган тушунтиришга мувофиқ, қасддан одам ўлдириш жиноятини таъмагирлик ниятида содир этилган деб квалификация қилиш учун айбдор бу жиноятни моддий наф кўриш ёки моддий харажатлардан қутулиш мақсадида содир этган бўлиши талаб этилади.

Иш бўйича аниқланган ҳолатларга қараганда, У. мазкур жиноятни Н.нинг пулларига эгалик қилиш мақсадида эмас, балки ўзига тегишли пулларини талаб этганда, унга рад жавоби берилиши натижасида келиб чиққан жанжал оқибатида содир этган. Бундай ҳолда У.нинг ҳаракатларида ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «и» бандида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд эмас.

ЖСХ-224-06 сонли ажрим